



ХАСР

ЎЗБЕКИСТОН
ИЖТИМОИЙ-СИЙОСИЙ
ГАЗЕТА

Газета 2004 йил
1 январдан чиқа бошлаган

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

9 МАЙ – ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

2014 йил 8 май, пайшанба, 18 (546)-сон

e-mail: xxi_asr@mail.ru, web sayt: www.21asr.uz



Жамил НОРҚОВИЛОВ олган сурат

Ўзбекистон – инсон қадрли улуғланаётган юрт

– Президентимиз томонидан биз – фахрийларга кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик қалбимизни тоғдек кўтариб, умримизга умр қўшмоқда, – дейди қашқадарёлик Аҳмад ота Жалилов

Хотира ва кадр тушунчалари аввало инсоннинг ўзлиги, ғурури ҳамда ор-номусини белгилаб, миллат кифёси, тарихи, бугуни ва истикболини намояндалар. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ана шу қадриятларни улуғлашга алоҳида эътибор қаратилиб, 9 май –

Хотира ва кадрлар куни сифатида кенг нишонланяпти. Маълумотларга кўра, Иккинчи жаҳон урушига қашқадарёлик 47003 нафар киши юборилиб, уларнинг 24926 нафари ўз она юртига қайтмаган. 1995 йили чоп этилган «Хотира» китоби ва Қарши шаҳридаги «Мотам-

сарона» ёлгорлигида 23655 нафар қашқадарёликнинг номи битилган. Халқимиз азалдан юрт озоллиги йўлида жон фидо этган фарзандлари руҳини шод этиб келган, – дейди қаршилик уруш қатнашчиси, 90 ёшли Аҳмад ота Жалилов. – Ўзбекистонда

Президентимиз ташаббуси билан биз – фахрийларга кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик қалбимизни тоғдек кўтариб, умримизга умр қўшмоқда. Афсуски, Ватан тупроғини орзулаб яшаган минглаб азаматларга уйга қайтиш, юрт тупроғини ўпиш насиб этмади.

МУЛОҚОТ

Электорат қонун лойиҳасини экспертгадан ўтказяпти

Маълумки, O'zLiDePнинг Сайловолди платформасида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, айниқса, йирик корхоналарни хусусийлаштириш борасидаги қораларни қўллаб-қувватлаш, тўғридан-тўғри хорижий ва маҳаллий инвестицияларни иқтисодийга жалб этиш масалалари кенг қамраб олинган

O'zLiDePнинг йирик лойиҳаларидан бири – «Тадбиркорлар мулоқот форуми» доирасида «Хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокамага бағишлаб ўтказилган амалий тадбирларда ҳам ана шу устувор йўналишдаги ишлар ижроси яна бир бор таҳлил этиляпти.

O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ташаббуси билан парламент кўйи палатасида биринчи ўқишда қабул қилинган «Хусусийлаштириш тўғрисида»ги янги қонун лойиҳасини

электорат вакиллари иштирокида кенг муҳокама қилиш ва ушунга қўшимча қилиш масалалари таҳлил қилинади. Маълумки, «Хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокамага бағишлаб ўтказилган амалий тадбирларда ҳам ана шу устувор йўналишдаги ишлар ижроси яна бир бор таҳлил этиляпти.

Мулоқотларда Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши, Савдо-саноат палатасидан танқари Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Адлия вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат

қўмитаси, Олий ҳўжалик суди, Ўзбекистон Республикаси Президентини хузуридаги Амаддаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти экспертлари иштирок этдилар.

Таҳлилчиларнинг фикрича, 300 нафардан ортиқ мутахассис иштирок этган учрашувларда электорат вакилларининг ўз фаолияти мисолида билдирган тақлифлари мутахассислар томонидан обдон ўрганилиб, энг асослилари танлаб олинди. Натижда юқоридаги қонун лойиҳасини тақомиллаштиришга қаратилган 16 та таклиф тўпланди.

4 >>>

БУГУНГИ СОНДА:

2 ЭЛЕКТРОН ҲУЖЖАТ АЙЛАНИШИ ТАЛАБГА ЖАВОБ БERAДИМИ?



3 ҚИММАТЛИ ҚOҒOЗЛАР БОЗОРИГА ОИД ҚОНУНЧИЛИК ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

4 ҚУЙИ БОСҚИЧЛАРДАГИ ЮҚОРИ НАТИЖАЛАР

5 МАСЪУЛИЯТНИ БАРЧАМИЗ БИРДЕК ҲИС ЭТМАЯПМИЗ

Оқсаройда қабул

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов 7 май куни Оқсаройда мамлакатимизга амалий таъриф билан келган Америка Қўшма Штатлари Давлат Котибининг биринчи ўринбосари Уильям Бёрнс қабул қилди

Учрашувда ўзаро ҳамкорлик сиёсий, иқтисодий, гуманитар ва икки томон учун манфаатли бўлган бошқа соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани таъкидланди.

Турли соҳаларда мунтазамлик касб этган мулоқотлар, жумладан, икки мамлакат парламентлари ва таъки сиёсат маҳкамалари ўртасидаги изчил алоқалар томонлар учун самарали ва конструктив ҳамкорликни қарор топтириш имконини бермоқда.

Учрашувда савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истикболларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда АҚШ компаниялари иштирокида тузилган 190 корхона фаолият юритмоқда. Уларнинг 53 таси тўлалигича хориж капитали асосида ташкил этилган. Мамлакатимизда АҚШдаги 40 етакчи корпорациянинг ваколатхоналари очилган.

Учрашувда таъминот ва халқаро аҳамиятга молик масалалар муҳокама қилинди. Минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, хусусан, Афғонистондаги вазият юзасидан фикр алмашилди. Уильям Бёрнс самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, АҚШ раҳбарияти бундан буюн ҳам Ўзбекистон билан турли соҳаларда ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади. (ЎЗА).

Очиқлик ва ошқоралик таъминлигининг ҳуқуқий асоси

2014 йилнинг 5 майдан «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қучга кирди

Маълумки, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги ва ошқоралигини таъминлаш, юртдошларимизга ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий соҳаларда кечаётган ислоҳотлар хусусида, уларнинг туб мазмун ва моҳияти, мақсади ҳақида кенг маълумотлар бериш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ҳамда қучли фуқаролик жамияти барпо этишнинг энг муҳим шартларидандир. Таҳлилчилар, таниқли олимлар, халқаро экспертлар ҳам айнан шу нуқтаи назардан «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини очиқ демократик ҳуқуқий давлат қуриш, инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга хизмат қиладиган муҳим ҳужжат, дея эътироф этмоқдалар.

2 >>>

АНОНС:

2014 йилнинг 16 майда «XXI asr» ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририятида ўтказиладиган навбатдаги «Очиқ мулоқот»да тадбиркор ва фермерларнинг саволларига АТ «Ипотека банк» бошқаруви раиси Омон Мусаев жавоб қайтаради.

Қадрли тадбиркор ва фермерлар «Очиқ мулоқот»да фаол иштирок этинг.

Саволлар қуйидаги телефонлар орқали қабул қилинмоқда: (+998 71) 281-40-17, 215-63-80. (+998 95) 194-83-95, 194-83-96. Электрон почта: XXI_ASR@mail.ru

1 Австралия доллари	2115.60	1 Миср фунти	326.00	1 Поляна злотийси	753.48	10 Жанубий Корея воени	22.19
1 Англия фунт стерлинги	3854.27	1 Исландия кронаси	20.46	1 СДР	3544.28	10 Япония иенаси	224.14
1 Дания кронаси	424.87	1 Канада доллари	2062.99	1 Туркия лираси	1086.73	1 Россия рубли	63.95
1 БАА дирҳами	621.95	1 Ҳитой юани	365.73	1 Швейцария франки	2604.51	1 Украина гривнаси	200.36
1 АҚШ доллари	2284.42	1 Малайзия рингити	701.71	1 ЕВРО	3157.75		

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ўзиб қийматда сопиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмайди.



БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

18 (546)-сон, 2014 йил 8 май, пайшанба

Масъулиятни барчамиз бирдек ҳис этмаямиз

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ НАВБАТДАГИ ҲИСОБОТ-САЙЛОВ ЙИҒИЛИШЛАРИ АСОСАН ЎЗ-ЎЗИНИ ТАНҚИД РУҲИДА ЎТДИ

Беҳзод ИСРОИЛОВ,
«XXI asr»

Партия фаолларининг маълум қилинларича, ҳисобот-сайловларда 7724 та БПТ (жами қуйи бўғинларнинг 93,7 фоизи) фаолияти таҳлил этилиб, истиқболдаги вазифалар белгилаб олинди. Ушбу жараёнда 142 мингдан зиёд партия фаоли, жумладан, 724 нафар депутат, шунингдек, нодавлат ва жамоат ташкилотлари, ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари, тадбиркорлик ва фермерлик тузилмалари ходимлари иштирок этдилар. Бу борада Самарқанд, Бухоро, Фарғона ва Жиззах вилоятларида юқори кўрсаткичларга эришилганини таъкидлаш жоиз. Аксинча, Хоразм, Сирдарё ва Навоий вилоятларининг бир қатор туманларида муҳим сиёсий тадбирга етарли даражада тайёргарлик кўрилмагани яққол кўзга таъна қилинган таъкидлаш жоиз.

Ҳисобот-сайлов йиғилишлари давомида қуйи бўғин етакчиларидан 6658 нафарига қайта ишонч билдирилгани уларнинг ўз партиявий бурчида масъулият билан ёндашаётганлигини далолатлади. БПТ етакчиларидан 1066 нафари эса янгида сайланди. Хусусан, Навоий вилоятдаги мавжуд қуйи бўғинларнинг 43 фоизи таркидан янгилангани вилоят, туман ва шаҳар кенгаши мутасаддиларининг қуйи бўғинлар фаолиятига юзак қараб келганларини кўрсатади. Бинобарин, бундан буюн мутасаддилар мавжуд хато-камчиликлардан тегишли хулоса чиқариб, бошланғич ташкилотлар фаолиятини яхшилашга эътибор қўйишлари йилнинг мўлқатлиги бўлади.

Шу ўринда ўтган йили партия депутатлик гуруҳлари томонидан тегишли ташкилот ва идораларга йўланган 2872 та депутатлик сўровининг 1603 таси, 681 мансабдор шахс ҳисоботининг 158 таси ҳамда 315 та назорат-таҳлил текширувнинг 136 таси айнан бундан БПТлар томонидан қўйилган масалаларга оид эканини таъкидлаш жоиз. Ушбу кўрсаткич 2012 йилга нисбатан қарийб 48 фоиз зиёд. Демак, аҳолининг ҳаётини яхшилаш, умулштириш ва ҳал этиш борасида қуйи бўғинлар фаолияти ошириб бораётган.

Қолаверса, ўтган йили қуйи бўғинлар томонидан жойларда минглаб оммавий-сиёсий тадбир ўтказилиб, уларда электрат манфаатларига оид 500 га яқин асосли тақлиф билдирилгани ҳам айтиш жоиз. Тақлифларнинг энг муҳимлари сараланиб, юқори партия органларига тақдим этилди. Қўринадик, БПТлар жойларда ислохотларни чуқурлаштириш, омма талаб-эҳтиёжларини юзага чиқариш, фовий-сиёсий ишларни кучайтиришда, ўзига хос кўприк бўлиб хизмат қилмоқда.

Яна бир муҳим жиҳат: сайланган янги етакчиларнинг 964 нафари ҳамда ҳисобот-

сайловлар мобайнида партия сафига қабул қилинган 17 минг аъзонинг 58,7 фоизи навтирон авлод вакилидир. Бу, шубҳасиз, О'зЛиДеП томонидан жойларда олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари самарасидир. Партия фаолиятини, айниқса, бошланғич ташкилотлар ишини такомиллаштиришга қаратилаётган муҳим тақлифлар асосан ўшлар томонидан ўртага ташланаётгани ҳам таҳсинга лойиқ.

— Фикримча, ташкил этилаётган аксарият тадбирлар, амалга оширилаётган лойиҳалар соф партиявий характерга эга бўлиб қолаёттир, — дейди Когон туманидаги «Парравшантранс» хусусий корхонаси бошланғич партия ташкилоти етакчиси А.Равшанов. — Ваҳоланки, аудиториани янада кенгайтириш сайловлар арафасида ўз самарасини беришини унутмаслигимиз лозим. Қолаверса, О'зЛиДеП ўз номи билан тадбиркорлар ва ишбилармонлар партиясидир. Яъни, партия аъзоси бўлиши ёки бўлмашлигини қатъан назар, оммавий тадбирларда хусусий сектор вакиллари фаолияти, уларни қизиқтириш бўлиши қатъан назар қилиниши керак. Чунки, партия аъзоси бўлиши ёки бўлмашлигини қатъан назар, оммавий тадбирларда хусусий сектор вакиллари фаолияти, уларни қизиқтириш бўлиши қатъан назар қилиниши керак. Чунки, партия аъзоси бўлиши ёки бўлмашлигини қатъан назар, оммавий тадбирларда хусусий сектор вакиллари фаолияти, уларни қизиқтириш бўлиши қатъан назар қилиниши керак.

Маълумки, аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини ошириш ҳам О'зЛиДеП олдида турган дастурий мақсадлардан биридир. Янги сайланган БПТ етакчиларининг 37,2 фоизи, партия сафига кирганларнинг 39,5 фоизи опа-сингилларимиз экани ҳам айни масалага жиддий аҳамият қаратилганлигини далолатлади.

Энг муҳими, О'зЛиДеПнинг кадрлар захираси иқтидорли ва ташаббускор партия аъзолари ҳисобига тобора кенгайиб бормоқда. Айни кунда ташкилотчилиги ва сиёсий фаолияти билан сафошлири хурматини қозонган фаоллардан 1213 нафари раҳбар кадрлар захирасида олинди. Уларнинг 34 фоизи аёллар ташкил этипти.

Партия уставига мувофиқ, аъзолари сони 30 кишидан ошадиган 576 та қуйи ташкилотда кенгаши аъзолари қайта ёки янгида сайланди.

Сайловолди тарғибот-ташвиқот ишлари самарадорлиги ва таъсирчанлиги кўп жиҳатдан бошланғич ташкилотларга боғлиқ, — дейди О'зЛиДеП Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси масъул ходими С.Маликов. — Ҳисобот-сайлов йиғилишлари давомида ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилиб, сайловларга тайёргарлик юзасидан аниқ режалар белгиланди. Электратнинг ижтимоий таркибини, унинг хоҳиш-истакларини ўрганиш ва маҳаллий кенгашлар билан алоқаларни янада мустаҳкамлаш ана шулар жумласидандир. Умуман, қуйи бўғинларнинг фаолиги ва ташкилотчилиги сайловлар мутаваққиятини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамият касб этишини унутмаслигимиз, ўтган йил сайловларда кўзга ташланган баъзи нуқсонлардан тегишли хулоса чиқаришимиз жуда муҳимдир.

Юқоридаги фикрни давом

этириб айтиш мумкинки, партия қуйи бўғинларининг навбатдаги ҳисобот-сайловларида ҳам корхоналар, муассасалар раҳбарларининг кенг иштироки таъминланди, тегишли кўрсатма ва ахборотлар турли воситалар орқали жойларга ўз вақтида етказилди. Хусусан, мутасадди раҳбарларнинг жойларга чиқиб, фаолларга зарур қўмақ ва маслаҳатлар беришини хар жиҳатдан самарали бўлди.

Шундай бўлса-да, партиявий-сиёсий ишларни йўлга қўйишда айрим ҳудудларда ҳамон суствақлик ва ўзбуларчилиққа йўл қўйилаётганидан қўз юмсаллик керак. Баъзи қуйи бўғин етакчилари эса асосан юқори органлар кўрсатмаларини бажариш билан чекалиб қолганликлар айнан шундай етакчиларда сиёсий фаолият етишмаяпти. Улар томонидан намунали БПТлар ишини оммалаштириш, кўргазмалар тарғибот воситаларидан фойдаланиш эътибордан четда қолмоқда.

Унутмаслик лозимки, қуйи бўғинлар партиянинг таянч нуқталаридир. Навбатдаги ҳисобот-сайловлар буни яна бир қарра намоян этди. Жиддий сиёсий имтиҳон — сайловлар арафасида партия



електорати саналган тадбиркор ва фермерлардан янада катта масъулият талаб этилади.

Бинобарин, эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлаш, мавжуд нуқсонларни

бартараф этиш, бу борада БПТлар салоҳиятидан умумли фойдаланиш, партия аъзо-

ларнинг масъулиятини янада ошириш диққат марказида бўлиши лозим.

Ҳамкорлик талаб даражасида эмас

Партия Чилонзор туман кенгашида «О'зЛиДеПнинг дастурий гоя ва мақсадларини тарғиби қилиш, шаҳар кенгаши депутатларининг ўзаро ҳамкорлигини кенгайтиришда бошланғич ташкилотларнинг ўрни ва аҳамияти» мавзусида амалий семинар бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Р.Каримов, халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутати М.Абдуллаев кун тартибидида масала юзасидан сўзга чиқиб, кўппартиявийлик шароитида сиёсий партиялар, айниқса, уларнинг омма орасида иш олиб борадиган қуйи бўғинлари зиммасига катта масъулият юклатилганини таъкидладилар. О'зЛиДеП Сиёсий Кенгаши ҳузурдаги Сиёсий таълим маркази раҳбари Ш.Раэзоқов эса таянч тузилмалар фаолиятини такомиллаштириш, партия қуйи тузилмалари билан депутатлик гуруҳлари ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш масалаларига тўхтади. Унинг фикрича, ҳали бу борада мавжуд имкониятлардан тула фойдаланилмапти. Семинарда партиянинг сиёсий ўзагини ташкил этидиган қуйи бўғинларга эътиборни кучайтириш, жойларда гоявий-сиёсий ишлар самарадорлигини ошириш, бу борадаги илгор тажрибаларни оммалаштириш юзасидан муҳим тақлифлар ўртага ташланди.

Оилавий бизнесга алоҳида эътибор

О'зЛиДеП Яқкабоғ туман кенгаши ташаббуси билан «Яқкабоғ» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси, шунингдек, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва бандликка қўмақлашиш бўлимида қуйи бўғинлар ҳамкорлигида «Оилавий бизнесни ривожлантириш: айрим муаммолар масалалар ва уларни ҳал этиш йўллари» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. «Қўзиёв Алишер Шермухаммедович» хусусий корхонасида ўтган ушбу мулоқотда «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун талаблари асосида ҳудудларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли ўртасида бандлик даражасини ошириш, иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришда партия фаоллари олдидан турган вазифалар ҳусусида сўз юритилди. — О'зЛиДеП гоя ва мақсадлари биз, тадбиркорларнинг ора-интилишлари билан муштарак. Шундай экан, унинг сафидан туриб, эл-юрт манфаати йўлида сидқидилдан хизмат қилиш муҳим бурчимиздир, — дейди корхона етакчиси А.Қўзиёв.

Тадбир ниҳоясида корхонанинг бир гуруҳ фаоллари О'зЛиДеП сафидан бўлиб истагини бирдирдилар.

Имкониятимиз бор. Аммо..

О'зЛиДеП Навбахор туман кенгашида қишлоқларда уй-жой қурилишини такомиллаштириш ва замонавий инфраструктурани шакллантириш бўйича қабул қилинган ҳужжатларнинг ҳудудлардаги ижросига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди. Тадбирда вилоят Фермерлар кенгаши раиси И.Уроқов, туман партия кенгаши раиси ўринбосари М.Усаров, халқ депутатлари туман кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари М.Абдурахмонов, «Афросиёб гулшани» хусусий корхонасида иш олиб бораётган БПТ етакчиси Г.Олтинова сўзга чиқиб, соҳада эришилган ютуқлар ва айрим камчиликлар ҳусусида сўз юритдилар.

Давра суҳбати давомида О'зЛиДеПнинг жамоат ташкилотлари билан ҳамжиҳатлигида уй-жой қурилишига оид қонун ва қарорларнинг ижроси тула таъминланишига қўмақлашиш, бунинг учун мавжуд куч ҳамда имкониятлардан янада самаралироқ фойдаланиш бўйича муҳим фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди.

Ўз мухбиримиз.

Нурбулоқликлар мурожаати назоратда

Нуробод туманидаги «Абу Али ибн Сино» санаторийсида иш олиб бораётган қуйи бўғин жойлардаги ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишда ҳам фаоллик кўрсатмоқда. Чунинчи, яқинда Ширинбой Холмуродов етакчилигидаги ушбу БПТ аъзолари Нурбулоқ шаҳарчасида ашовчи аҳолининг имчимлик сув таъминоти билан боғлиқ мурожаатини кўриб чиқдилар. Йиғилиш хулосаси асосида ушбу муаммо партия туман кенгашига тақдим этилган ва маҳаллий кенгаш депутатлари томонидан тегишли ташкилотларга депутатлик сўрови юборилган. Маълум бўлишича, нурбулоқликлар мурожаатини ҳал этиш учун айни кунда тегишли чоратадбирлар кўрилмоқда. **Муҳаббат РАВШАНОВА.**



БПТлар учун

XXI ASR ижтимоий-сиёсий газетасига

имтиёз.ли **ОБУНА** давом этмоқда.

Мурожаат учун телефон: (8-371) 215-63-80

Бир ҳовуч дур

«Сўроқ белгиси — ҳар қандай илмга йўл топадиган калитдир».

РЕКЛАМА ЎРНИДА

Асосий мақсад — экспорт ҳажмини ошириш

Президентимиз томонидан 2013 йил 8 августда қабул қилинган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори иқтисодий соҳадаги ислохотларни чуқурлаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда

Ўз мухбиримиз

Ушбу ҳужжатга мувофиқ ташкил этилган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан ўтган қиска давр мобайнида ўз махсулотини хорижга чиқариш истагида бўлган хамюртларимиз учун ҳар томонлама қулайлик яратиш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилди.

миз билан хорижий компания ўртасида 5 млн. АҚШ доллари-га тенг экспорт шартномаси имзоланди. Жамғарма ходимларининг йўл-йўриқ ва маслаҳатларисиз бундай натижаларга эриша олмас эдик.

Юқоридаги фикрлардан англашга мумкин, экспорт жараёнини амалга оширишда мутахассисларнинг хизмати каттадир. Шунини инобатга олган жамғарма ўз фаолиятини такомиллаштириш мақсадида турли йўналишлар бўйича ўтказилаётган тадбирлар доирасини кенгайтириш чораларини кўрмоқда. Масалан, 13 май кунини ўзбек ташқи маъмуриятининг кўрсаткичи бўлиб Хитойда Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси бизга яқиндан ёрдам кўрсатмоқда. Хусусан, яқинда Хитойда бўлиб ўтдиган халқаро кўргазмада қатнашиш учун таклиф этилди. Сарф-ҳаражлар жамғарма ҳисобидан қопланишини эшитиб, янада хурсанд бўлдик. Зеро, бу давлатимизнинг экспорт имкониятларини ўрганишга бағишланган семинар-тренинг ўтказиш режалаштирилди.

Бунинг жамғарманинг Тошкент шаҳар филиали мисолида ҳам кўриш мумкин. Хусусан, жорий йилнинг биринчи чора-чиқариш чоралари амалга оширилди. Жамғарма томонидан пойтахтлик 39 нафар тадбиркорга 32 млн. 670,17 минг АҚШ доллари миқдоридеги махсулот ва хизматларини экспорт қилишга ёрдам берилди. Жамғарма, 13 нафар тадбиркорга ташқи бозорларни ўрганиш, ишончли ҳамкор топиш, хорижий мамлакатларда ўтказиладиган халқаро кўргазма ва ярмаркалар, тендерларда қатнашиш, шунингдек, бошқа давлатлар конунчилигини келиб чиққан ҳолда талаб қилинадиган рухсат берувчи ҳужжатлар, сертификат ва лицензиялар олишга кўмак берилган бўлса, 26 нафар мулкдорга экспорт шартномаларини тузиш, уларни тегишли банк рўйхати-га қўйиш ҳамда суғурта полиси орқали махсулотни экспорт қилиш жараёнини амалий ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатилади.

Қолаверса, йил охирига қадар жамғарма ёрдамида 6 та халқаро кўргазма ва ярмарка-

ларда ўзбекистонлик тадбиркорларнинг кенг иштироки таъминланади. Жумладан, 23-26 май кунлари Хитойнинг Сиан шаҳрида ўтказиладиган халқаро саноат махсулотлари кўргазмасида иштирок этадиган 40 нафар кичик бизнес вакиллариининг 18 нафари пойтахтлик тадбиркорлардир.

— Аини пайтда Ўзбекистон бугун жаҳонга юз тутмоқда, — дейди «Мисс Саминахов» тўқимачилик корхонаси раҳбари Мирлазиз Мирбуваев. — Мана, орзуларимиз бирин-кетини ушалоқда. Савдо-сотик жараёнини йўлга қўйишда Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси бизга яқиндан ёрдам кўрсатмоқда.

Худди шундай бизнес-форум Сингапур ишбилармон доиралари иштирокида ҳам ўтказилди. Жамғарма ва «JA International Companies» халқаро компанияси ўртасида имзоланган ҳамкорлик меморандумига кўра яқин келажақда Сингапурда Ўзбекистон савдо уйи ҳамда халқаро электрон савдо майдончаси ташкил этиш режалаштирилмоқда. Буларнинг ҳаммаси мамлакатимизнинг иқтисодий имкониятлари кенгайтириш, унинг жаҳон миқёсидаги нифузи тобора ошиб бораётганидан далолат беради.

Сингапур ишбилармон доиралари иштирокида ҳам ўтказилди. Жамғарма ва «JA International Companies» халқаро компанияси ўртасида имзоланган ҳамкорлик меморандумига кўра яқин келажақда Сингапурда Ўзбекистон савдо уйи ҳамда халқаро электрон савдо майдончаси ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Худди шундай бизнес-форум Сингапур ишбилармон доиралари иштирокида ҳам ўтказилди. Жамғарма ва «JA International Companies» халқаро компанияси ўртасида имзоланган ҳамкорлик меморандумига кўра яқин келажақда Сингапурда Ўзбекистон савдо уйи ҳамда халқаро электрон савдо майдончаси ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Ў ЕШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ – АМАЛДА

Гамхўрликдан миннатдормиз

Президентимиз раҳнамолигида ёшларни тадбиркорликка кенг жалб этиш, уларнинг бу борадаги ташаббус ва инициативаларини қўллаб-қувватлаш, самарали фаолият юритиши учун зарур шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу йўналишдаги ишлар самарадорлигини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу йўналишдаги ишлар самарадорлигини янада оширишга хизмат қилмоқда. Ўшунинг билан мазкур раҳбариямиз билан бир қаторда, ҳозирда мамлакатимизда яратилаётган шароит ва имкониятлардан фойдаланиб 2011 йили фермер ҳўжалиги ташкил этдим. 186 гектардан зиёд майдонни эгаллаган ҳўжалигимизда асосан тенгдошларим билан сийдиқдан меҳнат қилиб, пахта ва галладан мўл ҳосил этиштирмакчимиз. Аини пайтда богдорчилик, чорвачилик, балиқчилик ва асаларчиликдан ҳам яхшигина даромад олмоқдамиз. 2012 йили хориж технологияси асосида замонавий чорва комплексини ишга туширдик. 2012-2013 йилларда мактабгача таълим муассасалари ва мактабларга хайрия тариқасида ҳар ойда 1 минг 500 литр сут, 100 килограмм гўшт ва 60 килограмм балиқ махсулотлари етказиб бердик. 2012 йили топган 300 миллион сўмдан ортиқ даромадимизнинг 11,5 миллион сўми соф фойдани ташкил этди.

Ҳўжалигимизда меҳнат қилаётган 51 кишининг 31 нафари касб-ҳўнара коллежи битирувчисидир. Яқин келажақда инвестиция жалб этиш ҳисобидан балиқ махсулотларини қайта ишлаш ва нон цехи, машиш хизмат кўрсатиш шохобчасини ишга туширишни режалаштирмакчимиз. Аини пайтда етиштирилаётган хомашэни шу ернинг ўзида қайта ишлаб, тайёр махсулот сифатида четга экспорт қилишни йўлга қўйиш асосий мақсадимиз.

Биз, ёшлар ўзимиз истаган соҳада орзуларимизни рўёбга чиқариш имкониятини яратиб, инициативамизни қўллаб-қувватлаётган Президентимиздан миннатдормиз. Ислот МАТКАРИМОВ, Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманидаги «Амударё соҳили» фермер ҳўжалиги раҳбари. (УЗА).

Бир ҳовуч дэр «Меҳнатсиз олтин, кумуш ва мис ҳам оддий тош бўлиб қолаверарди».

Махатма Ганди.

Ў ЭЪЛОН

«BUXORO GLOBAL REALTOR» МЧЖ очик танловга таклиф этади!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Бухоро туман ҳокимининг 2013 йил 19 ноябрдаги 1009-сонли қарорига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи такрорий танлов савдосига қўйилмоқда:

1. Автобекат ва савдо дўкони қуриш учун Бухоро вилояти, Бухоро тумани, Мустақиллик МФЙ, Буюк ипак йўли шох кўчаси ҳудудидан ўтувчи М-37 рақамли «Самарқанд-Бухоро-Туркманбоши» автомобиль йўналиши бўйича чап томони 241 км.нинг ПК 177+43 дан 1 дона, 100 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳўқуқнинг минимал қиймати – 7 700 000 сўм. 2. Автобекат ва савдо дўкони қуриш учун Бухоро вилояти, Бухоро тумани, Ойбек МФЙ, Буюк ипак йўли шох кўчаси ҳудудидан ўтувчи М-37 рақамли «Самарқанд-Бухоро-Туркманбоши» автомобиль йўналиши бўйича ўн томони 241 км.нинг ПК 178 дан 1 дона, 100 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳўқуқнинг минимал қиймати – 7 700 000 сўм. 3. Мажбуриятларнинг бошланғич хажми Бухоро туман архитектуралар бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабдорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади. Мажбуриятларни бажариш танлов қўлиби билан танлов мажбуриятларни бажариш тўғрисида шартнома тузилган кундан бошлаб 1 ой муддатда амалга оширилиши лозим. Танловда иштирок этиш учун талабдорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2014 йил 10 июнь кунини соат 12.00 да тўхтатилади. Талабдорлар танловда иштирок этиш учун буюртманомалари олинишидан олдин ер участкасига бўлган ҳўқуқнинг минимал қийматининг 100 фоизи миқдоридеги закалатни закалат келишу-виغا асосан танлов ташкилотчисининг мазкур билдиришномасида кўрсатилган банк ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт. Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Бухоро туман ҳокимли-ги биносида 2014 йил 11 июнь кунини соат 12.00 да очилади, 2014 йил 11 июнь кунини соат 17.00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов қўлиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабдор танлов қўлиби деб топилди. 4. Қўриқдаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2014 йил 11 июндаги тан-ловда сотилмаган тақдирда, унинг такрорий танлов савдоси 2014 йилнинг 25 июнь кунини соат 12.00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Такрорий танловда иштирок этиш учун талабдорлардан буюртманомаларни қабул қилиш

2014 йил 24 июнь соат 12.00 да тўхтатилади. Такрорий танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Бухоро туман ҳокимлиги биносида 2014 йил 25 июнь кунини соат 12.00 да очилади, 2014 йил 25 фев-раль кунини соат 17.00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов қўлиби аниқланади. Танлов ташкилотчиси — «BUXORO GLOBAL REALTOR» МЧЖ Бухоро вилоят филиали. Тел/факс: (+99893) 960-69-00 электрон почта: www.bgr.gl.uz. Танловда қатнашиш истагида бўлган талабдорлар танлов ташкилотчисидан танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш хачининг бир баробари миқдоридеги ҳақ эвазига олади. Талабдорлар танловда иштирок этиш учун танлов ташкилотчисига буюртма хат билан бирга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган буюртманомани икки нусхада тақдим этади: — юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ну-схаси, шунингдек, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлабдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда қатнашиши учун конун ҳужжатларида белгиланган тар-тибда расмийлаштирилган ишончнома; — жисмоний шахслар — паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юригаёт-ган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусха-си), танловда ваколатли вакил қатнашганда, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиг-ан ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ҳолда конун ҳужжатларида белгиланган тартиб-да расмийлаштирилган ишончнома; — танлов ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқ-ловчи тўлов ҳужжатидан нусха; — танлов ҳужжатлари талабдорига мувофиқ турилиб, муҳрланган конвертларга жой-лаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари. Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабдорнинг имзоси, агар талабдор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак. Танлов ҳужжатлари олиш учун тўловлар ва закалат пулини тўлаш учун танлов ташки-лотчисининг банк реқвизитлари: АТ «Халқ банки» Бухоро филиали, х/р: 20208000600251607001, МФО 00116, СТИР 302668377.

Танлов ҳужжатлари ва қўшимча маълумотлар олиш мумкин бўлган манзил: Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй (4-қават). Хизматлар лицензияланган № RL 0171.

ХўРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР! «Асака» банк (ОАЖ) 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан қуйидаги миллий валютадаги мuddатли янги омонат турини таклиф этади: «ҚАРИЯЛАРНИ ҚАДРЛАШ» Ушбу омонатнинг сақланиш мuddати 12 ой бўлиб, хисобланган фонслар ҳар ойда ёки омонат мuddати тугагандан сўнг берилади. Шу билан бирга «Асака» банк (ОАЖ) кулай шартларда 90 турдаги миллий ҳамда хорижий валюталардаги омонатларни таклиф этади. Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очинш мумкин. Мурожаат учун: «Асака» банк (ОАЖ) филиаллари телефонлари: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63. Филааллар Код Телефон Филааллар Код Телефон Тошкент шаҳар филиали 371 120-83-13 Наманган вилоят филиали 369 226-91-45 Автогнспорт филиали 371 120-39-95 Навоий вилоят филиали 436 770-24-09 Шайхонтохур филиали 371 140-39-36 Зарафшон филиали 436 573-18-75 Юнусобод филиали 371 221-80-67 Бухоро вилоят филиали 365 223-70-05 Сергели филиали 371 258-67-49 Бухоро шаҳар филиали 365 770-11-27 Тошкент вилоят филиали 371 120-84-13 Самарқанд вилоят филиали 366 233-65-47 Андижон вилоят филиали 374 298-02-10 Афросиёб филиали 366 221-75-40 Асака филиали 374 233-15-68 Қашқадарё вилоят филиали 375 221-07-41 Фарҳод филиали 374 226-97-53 Сурхондарё вилоят филиали 376 770-82-12 Фарғона вилоят филиали 373 224-70-83 Қорақалпоғистон филиали 361 770-60-56 Марғилон филиали 373 237-62-23 Хоразм вилоят филиали 362 226-96-03 Олтиғариқ филиали 373 432-10-11 Сидарё вилоят филиали 367 225-44-03 Қўқон филиали 373 552-61-06 Жиззах вилоят филиали 372 226-43-11

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади. Сизнинг омонатларингиз: — солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод! — маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади! — эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда! — миқдори чекланмаган!

«Асака» банк — сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди.



ХАБАРЛАР

Тошкент вилоятида иш ўринлари янада кўпаяди

Тошкент вилояти ялли ҳудудий махсулотида тадбиркорлик субъектларининг улуши 55 фоиздан ошмоқда. Маҳаллий тадбиркорларнинг фикрича, вилоят ҳокимлиги, солиқ, меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармалари, тижорат банклари, Савдо-саноат палатаси, O'zLiDeP вилоят кенгаши масъул ходимлари иштирокида ўтказиладиган амалий учрашув, очик мулоқот ва давра суҳбатлари хусусий сектор вакиллари фаолиятига тўсиқ бўлаётган айрим муаммоларни ҳал этишда муҳим аҳамият касб этаётир. Жорий йил бошида мазкур идоралар томонидан йўлга қўйилган «Ҳар ҳафтада 5 та янги иш ўрни» ташаббуси асосида битта янги лойиҳани амалиётга жорий этиш таклифи вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида маъқулланганидан кейин янги иш ўринлари ташкил этишда ҳам қутилганидан зиёд натижаларга эришила бошланди. Шунинг учун ҳам таҳлилчилар жорий йилнинг дастлабки чорагида вилоятда 5 мингдан ортиқ доимий ва мавсумий иш ўринлари ташкил этилганини қайд этмоқдалар. Зиёдулла МҰМИНОВ.

Лак ҳам, буюёқ ҳам ўзимизники

Урганчлик тадбиркор Шавкат Полванов етакчилиги қилаётган «Сатин индустриал» масъулияти чекланган жамиятида 158 миллион сўмлик сармоя эвазига қурилиш ишлари учун 10 турдаги лак ва буюёқлар ишлаб чиқарила бошланди. — «Соғлом бола йили»нинг биринчи ойдаёқ миқозларимизга 125 миллион сўмлик махсулот сотдик, — дейди Ш.Полванов. — Мақсадимиз яқин келажақда маҳаллийлаштириш дастури асосида оҳаддан ноёб хом ашёлар тайёрлашдир. Бу касб-ҳўнара коллежлари битирувчилари учун қўшимча иш ўринлари ташкил этиш имконини беради. Янгибой ҚўЧҚОРОВ.

Ў ЭЪЛОН

Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек туманида фаолият юригаётган «XIMREKTIVSERVIS» МЧЖ (СТИР 300593971) Устав жамғармаси миқдорини 1 640 000 000 (бир миллиард олти юз қирқ миллион) сўмдан 974 955 000 (тўққиз юз етмиш тўрт миллион тўққиз юз эллик беш миң) сўмга камайтираётганини маълум қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси мазкур қўмита аъзоси Илхом Нариевга онаси САЛОМАТ аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия икхор этади. O'zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси партиянинг Тошкент шаҳар кенгаши ҳузуридаги Сийёсий таълим маркази раҳбари Дилором Бобоимоновага валидан муҳтарамаси ШУКУРЖОН аянинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардик билдиради.



«ШҮРТАНГАЗКИМЁ» мажмуаси жамоаси

9 май —
Хотира ва қадрлаш куни
муносабати билан
уруш қатнашчилари,
нуроний отахон ва
онахонларимиз,
муҳтарам фахрийларимиз
ва барча юртдошларимизни
самимий муборакбод этади.
Ҳамиша соғ-омон бўлинг, азизлар!

9
май



Гидрометеорология маркази хабарига кўра, мамлакатимизда 8-15 май кунлари ўзгарувчан об-ҳаво бўлиб, айрим жойларда вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Тоғли ҳудудларда сел келиши хавфи бор. Ҳарорат ўртача 30-35 даража иссиқ бўлиши кузатилади. Шамол шарқдан 7-12 м/с тезликда эсади.

Республикаимизнинг энг иссиқ ҳудудлари ҳисобланган Навоий, Бухоро, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ҳарорат кечаси 17-22 даража, кундузлари +30...+35, 9 майда эса +37 даражагача кўтарилиши кутиляпти. Фарғона водийси вилоятларида кечаси 15-20 даража, кундузи +29...+34 даража иссиқ бўлади. Пойтахтимиз ва бошқа ҳудудларда термометр миллари тунда +15...+20, кундузи +30...+35 даража бўлишини кўрсатяпти. Тоғли жойларда кечаси +9...+14, кундузлари эса +15...+20 даража ҳарорат сақланиб туради.



РЕКЛАМА

ЗАЗ FORZA

Автомобили для жизни!

Автосалон в Ташкенте
тел.: (+998 71) 215-09-11, (+998 91) 162-99-99
ул. Усмана Насира, дом 113 (ориентир — Южный вокзал, АЗС «РОУТАХТ»)

ЗАЗ
www.sardor-avto.uz
Товар сертифицирован.

РЕКЛАМА

«ФАРОВОНЛИК»

ПУЛ-БУЮМ ЮТУҚЛИ, ТИРАЖЛИ ЛОТЕРЕЯСИ

«ФАРОВОНЛИК» — ОМАДИНГИЗ КАЛИТИ
2014 йил 20-21 декабрь кунлари Тошкент шаҳрида ўтказиладиган ютуқлар тиражида ўз омадингизни синаб кўринг

БИЛЕТЛАРИ НАҚД ПУЛГА ВА ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН

Қўшимча маълумот учун **ЛОТЕРЕЯ БИЛЕТИНИНГ НАРХИ - 5000 СЎМ**
8-371-273-03-04
WWW.AGROBANK.UZ

Лотерея билетларини банкнинг барча филиалларидан сотиб олишингиз мумкин. Пул ютуқлари филиалларда, ماشини техникалар худудий бошқармаларда, автомашина ва тракторлар марказий аппарат орқали билет тақдим этилгандан сўнг 1 ой давомида берилади

Банкнинг вилоят бошқармалари телефон рақамлари

Корақалпоғистон Республикаси 8-361-222-16-77	Қашқадарё вилояти 8-375-771-15-60	Сурхондарё вилояти 8-376-770-81-48
Андижон вилояти 8-374-228-46-20	Наманган вилояти 8-369-223-19-32	Сирдарё вилояти 8-367-221-01-50
Бухоро вилояти 8-365-223-85-53	Навоий вилояти 8-436-770-35-49	Фарғона вилояти 8-373-244-08-41
Жиззах вилояти 8-372-226-25-33	Самарқанд вилояти 8-366-210-02-46	Хоразм вилояти 8-362-770-57-00

Лотерея билетларини балагатга етмаган шахсларга тарқатиш тақиқланади

Хизматлар лицензияланган